

3-МОДУЛЬ. САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Илова

Фуқароларнинг сайловлардаги иштироки

Сайловчи. Сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Сайловда сайловчилар ўзлари хоҳлаган номзодга, яъни эркин овоз берадилар. Сайловчиларнинг овоз бериши яширин тарзда амалга оширилади.

Ёдда тутинг!

Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди, яъни сайловчиларнинг сайловга келиш-келмаслиги ва ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериш-бермаслик масаласи бу уларнинг ҳуқуқидир.

Кимлар сайловда иштирок этмайди?

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.

Сайланувчи. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадир.

Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга.

Қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди:

- ✓ содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;
- ✓ сайлов кунига қадар сўнги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- ✓ диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга.

Куйидагилар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди:

✓ содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

✓ сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

✓ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона кўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

✓ диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

Судьялар, прокуратура органларининг ва ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (бундан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мустасно) депутат этиб сайланган тақдирда, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериш шарти билан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинади.


3.2. Илова

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш округ комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партия ўзининг ваколатли вакили сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиши тўғрисида, сайловга камида ўн беш кун қолганида тегишли округ сайлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилади. Унда ҳар бир ваколатли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, паспорт рақами ва серияси, шунингдек, сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилиши зарур. Округ сайлов комиссияси сиёсий партиялар ваколатли вакиллари рўйхати келиб тушган пайдан бошлаб беш кун ичида сиёсий партиялар ваколатли вакиллари рўйхатга олади ва уларга белгиланган намунадаги гувоҳномалар беради.



Сиёсий партиянинг тегишли ҳудудий органи сайлов кунига қадар истаган вақтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиб, сиёсий партиянинг ваколатли вакилининг ваколатини тугатиши мумкин. Бу ҳолда округ сайлов комиссияси уни сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатидан чиқариб, унга берилган мандат (гувоҳнома)ни бекор қилади. Шунингдек, сиёсий партиянинг ваколатли вакили тақрорий овоз бериш пайтида сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда ҳам иштирок этади. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили қонунчиликка мувофиқ, участка сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақли. Сиёсий партия ваколатли вакилининг ваколат муддати сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг тугайди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

Ёдда тутинг!

Сайлов куни тегишли сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари сайлов комиссиясига ташриф буюрган сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларини тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олади ва қабул қилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўн нафарга қадар, вилоят Кенгаши депутатлигига номзод беш нафарга қадар, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар **ишончли вакил**га эга бўлишга ҳақли.

Ишончли вакиллар:

- ✓ номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради;
- ✓ сайлаш учун ташвиқот олиб боради;
- ✓ давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакилларини ўз хоҳишига кўра белгилайди ва улар ҳақида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилади. Округ сайлов комиссияси депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Номзоднинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

Ёдда тутинг!

Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Номзод сайловга қадар ўз ишончли вакилини тегишли сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда исталган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзоднинг ишончли вакил этиб рўйхатга олинган сайлов комиссияси аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади.

Назорат учун саволлар:

1. Туман кенгаши депутатлигига номзоднинг ишончли вакили қайси сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади?

2. Сиёсий партиялар қандай мақсадда ваколатли вакил тайинлашга ҳақли?

3. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларидан ўз ваколатларини амалга ошириш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

4. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили бўлиш учун ушбу сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши шартми?

3.3. Илова

Кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Кузатувчи – бу сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир.

Кузатувчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлардан ва халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатилади.

Ёдда тутинг!

Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган **мандат** (ваколатни тасдиқловчи ҳужжат)лар асосида амалга оширади.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида тегишли сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин ариза билан маълум қилади.

Манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида сайлов комиссияси кузатувчи учун мандат беради.



Сиёсий партияларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчиларига мандат округ сайлов комиссияси томонидан берилади.

Ёдда тутинг!

Сайлов куни сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари сайлов комиссиясига ташриф буюрган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларни тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олади ва қабул қилади.

1-казус. Сайлов куни овоз бериш якунлангач, сиёсий партиянинг ваколатли вакили овозларни ҳисоблаб чиқишда иштирок этмоқчи бўлди. Участка

сайлов комиссияси раиси сиёсий партиянинг ваколатли вакилидан овозларни ҳисоблаб чиқишда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этишини сўраганда ваколатли вакил ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини кўрсатди. Участка сайлов комиссияси раиси ваколатли вакилда сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни йўқлиги учун унга овозларни ҳисоблаб чиқишда иштирок этишига рухсат бермади. ***Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.***

2-казус. Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганда сиёсий партия сайловларда иштирок этиш учун сайловчиларнинг имзосини тўплаб Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партия ваколатли вакилининг рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олмасдан имзо тўплашни бошлаганини асос қилиб рўйхатга олиш гувоҳномаси олинганлик санасига қадар тўпланган имзоларни ҳисобга олинмаслигини айтилди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3-казус. Вилоят кенгаши депутатлигига номзоднинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида сайловчилар билан учрашуви режалаштирилган эди. Номзоднинг ўзи ушбу тадбирга кела олмади ва ўрнига ўзини депутатликка номзоднинг ишончли вакили деб таништирган фуқаро депутатликка номзоднинг сайлов олди дастурини ўқиб эшиттира бошлади. Сайловчиларнинг ичида ўтирган бошқа бир сиёсий партиянинг вакили номзоднинг ишончли вакили деб таништирган фуқародан ишончли вакил эканлиги тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишини талаб қилди. Ўзини номзоднинг ишончли вакили деб таништирган фуқаро ҳали тегишли ҳужжатни олишга ҳали улгурмаганини таъкидлади.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4-казус. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида туман Кенгаши депутатлигига номзод ўзининг сайлов олди дастурини сайловчиларга таништириши чоғида бошқа номзоднинг ишончли вакили томонидан саволлар берилди. Номзод саволларга жавоб бериш ўрнига савол берган бошқа номзоднинг ишончли вакилига уни бу тадбирда иштирок этиши ва савол беришга ҳаққи йўқлигини уқтирди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3.4.Илова

Ролли ўйин № 4

ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА КУЗАТУВЧИЛАР

1-вазият.

Сайлов участкасига овоз бериш бошлангандан кейин соат 10:00 ларда кузатувчилар кириб келишди, кузатувчиларни кутиб олишга чиққан сайлов участкаси раисининг кейинги ҳаракатларини ёритиб беринг! **Раис:**

1. Кузатувчиларни кутиб олиш.
2. Кузатувчилардан махсус рухсатномаларини сўраш.
3. Кузатувчилардан тақдим этилган рухсатномаларини рўйхатга олиш.
4. Кузатувчиларга махсус ажратилган жойни кўрсатиш.

2-вазият.

Сайлов участкасида овоз бериш жараёнини бевосита кузатиб бораётган кузатувчилардан бири сайлов участкаси раисига овоз бериш қоидалари бузилаётганини ва бошқа номзодларга ён босаётганликларини айтиб шикоят қилди. Сайлов участкаси раисининг кейинги ҳаракатларини ёритиб беринг?

1. Сайлов участкаси раиси шикоят қилаётган кузатувчига ҳолатни тушунтиради.

2. Агар ҳолатдан норози бўладиган бўлса юқори турувчи округга арз қилишини тушунтиради.

3. Бошқа кузатувчиларнинг ҳам фикрларини сўрайди.

3-вазият.

Сайлов участкасига овоз бериш жараёнини кузатиш мақсадида соат 11:30да кузатувчи кириб келди ва ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан ва огоҳлантирмасдан ўзининг шахсий уяли алоқа телефони орқали видеотасвирга ола бошлади. Сайлов участкаси раисининг хатти-ҳаракатларини ёритиб беринг?

1. Кузатувчиларни кутиб олиш.

2. Кузатувчилардан махсус рухсатномаларини сўраш.

3. Кузатувчилар томонидан тақдим этилган рухсатномаларини рўйхатга олиш дафтарида рўйхатга олиш.

4. Кузатувчиларга махсус ажратилган жойни кўрсатиш.

5. Кузатувчидан видео ва фото тасвирлар ёзиб олиниши учун рухсат сўралишини айтиш.

4-вазият.

Сайлов участкасига овоз бериш жараёнини кузатиб бораётган кузатувчилардан бири овоз берувчилардан бирининг оила аъзолари номидан ҳам овоз бераётганлиги ҳолати юзасидан сайлов участкаси раисига шикоят қилиб мурожаат қилди.

Сайлов участкаси раисининг хатти-ҳаракатларини ёритиб беринг?

1. Кузатувчига ушбу ҳолат бўйича тушунтириш бериш.

2. Кузатувчига ушбу ҳолат бўйича юқори турувчи округга мурожаат қилишини айтиш.

**Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг
ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ёдда тутинг!

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олади ва қабул қилади.

Ёдда тутинг!

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳам ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган **мандат** (ваколатни тасдиқловчи ҳужжат)лар асосида амалга оширади.

3.6.Илова

Назорат учун саволлар:

1. Сиёсий партиядан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларга нималар ман этилади (тақиқланади)?

2. Сиёсий партиядан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?

3. Сиёсий партия кузатувчиси билан сиёсий партия ваколатли вакилининг овозларни ҳисоблаш чиқиш жараёнидаги ваколатларида фарқ борми?

4. Кимлар участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли?

Казус. Сайлов куни овоз бериш биносида овоз бериш бошланганлиги эълон қилинадиган пайтда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлмаганлиги учун участка сайлов комиссияси раиси Сайлов кодексининг 54-моддасига асосланиб то кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлмагунча овоз бериш бошланганлигини эълон қилинмаслигини айтди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3.7. Илова

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қўидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш;
- ✓ сайлов куни овоз бериш биноларида, овоз бериш хоналарида ҳозир бўлиш;

Кузатувчилар қўидаги ҳуқуқларга эга:

- сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш
- номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш
- овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- агар тегишли сайлов участкасида Сайлов кодексининг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

Кузатувчиларга қўидагилар тақиқланади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралаштириш.

✓ овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситаларининг вакиллари учун мандат намунасини белгилайди.

Бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакилларини Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказди.

Ёдда тутинг!

Участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари оммавий ахборот воситалари вакилларини тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олади.

Назорат учун саволлар:

1. Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайлов жараёнида қандай ҳуқуқларга эга?

2. Оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов жараёнини ёритишга рухсатнома ким томонидан берилади?

3.8. Илова

3-модуль яқунлари бўйича назорат учун тестлар:

1. Кимлар сайлаш ҳуқуқига эга эмас?

А) сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари
(В ва С жавобларда кўрсатилганлардан ташқари)

В) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар

С) оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар

Д) В ва С жавоблар тўғри

2. Кимлар фуқаролар томонидан бевосита сайланади?

А) Ўзбекистон Республикаси Президенти

В) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

С) маҳаллий Кенгашлар депутатлари

Д) барча жавоблар тўғри

3. Сайловда иштирок этувчи ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ...

А) бир овозга эга бўлади

В) бир неча овозга эга бўлади

С) оиласи номидан овоз бериш ҳуқуқига эга

D) иккита жойда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади

4. Кимлар сайланиши мумкин эмас?

A) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар

B) суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар

C) сиёсий партиялар аъзолари

D) A ва B жавоблар тўғри

5. Қуйидагилардан қайси бири кузатувчиларга тақиқланади?

A) сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш

B) сайлов қутиларининг муҳрланишини кузатиш

C) сайлов қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санашда аралаш

D) сайлов қонунчилиги бузилиши бўйича ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш

6. Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан неча кун олдин ариза билан маълум қилади?

A) сайловдан камида ўн беш кун олдин

B) сайловдан камида ўн кун олдин

C) сайловдан камида ўн уч кун олдин

D) сайловдан камида уч кун олдин

7. Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига ариза билан маълум қилганларидан сўнг тегишли сайлов комиссияси неча кун ичида кузатувчи учун мандат беради?

A) уч кун ичида

B) беш кун ичида

C) икки кун ичида

D) бир кун ичида

8. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига мандатлар ким томонидан берилади?

A) Ташқи ишлар вазирлиги

B) Туман сайлов комиссияси

C) Вилоят сайлов комиссияси

D) Марказий сайлов комиссияси

9. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларининг ҳуқуқлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

A) тегишли сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш

B) тегишли сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш

C) тегишли сайлов комиссияси томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш

D) барча жавоблар тўғри

10. Хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакилларини ким аккредитациядан ўтказди?

A) Адлия вазирлиги

B) Марказий сайлов комиссияси

С) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Д) Ташқи савдо вазирлиги

11. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ўз ёнида қандай ҳужжатларни олиб юриши шарт?

А) фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжатни

В) шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини

С) фақат сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни

Д) фақат тегишли сайлов комиссиясининг мандатини

12. Сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда қуйидагилардан қайси бири иштирок этиши мумкин эмас?

А) ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчи

В) депутатликка номзоднинг ишончли вакили

С) оммавий ахборот воситалари вакиллари

Д) халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари

13. Оммавий ахборот воситалари вакилларида ҳуқуқлари тўғри берилган жавобни топинг.

А) сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда ёрдам кўрсатиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш

В) сайлов куни овоз бериш биноларида ҳозир бўлиш, сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган яширин овоз бериш хонасида бўлиш

С) сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган яширин овоз бериш хонасида бўлиш, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш

Д) сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш